

ТУРКИСТОНЛИК АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАҚОМИ

М. М. Инагамова,
юридик фанлар номзоди, доцент (ТДТрУ)
Н. Ю. Жўрабоев,
тарих фанлари номзоди, доцент (ТДТрУ)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Шарқ аёлларнинг сиёсат саҳнасидаги ўзига хос ўрни, давлат бошқарувидаги шитироки, айрим сиёсий масалаларни ҳал этишидаги зукколиги, подшоҳларга яқин маслаҳатчи, шу билан бирга, садоқатли ёр, оқила, олима ва ижодкор бўлганликлари мавжуд тарихий манбалар асосида ёритиб берилган.

Калим сўзлар: тарих, сиёсат, Туркистон, “Бухоро тарихи”, Ибн Арабиоҳ, Низомиддин Шомий, Шамсиоддин Камолиддин, Амир Темур, Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Хонзодабегим, Гулбаданбегим, Нуржасонбегим, Аржумандбону, Жаҳоноробегим, Моҳчучукбеким, Кутлуг Туркон Оғобегим, Султон Баҳтбеким, Робия Султонбеким, Зебунисобеким, Нодирабеким, Курбанжон доддоҳ.

АННОТАЦИЯ

В данной статье подчеркивается место восточных женщин в политической жизни страны, их участие в государственном управлении, умение находить правильные решения политических вопросов, что позволяло быть им советниками правителей и в то же время быть лояльными, интеллигентными, учеными что подтверждают многочисленные исторический источники.

Ключевые слова: история, политика, Туркестан, «История Бухара», Ибн Арабиах, Низамиоддин Шами, Шамсиоддин Камолиддин, Амир Темур, Бибиханум, Гавҳаршадбегим, Ханзадабегим, Гулбаданбегим, Нурджасонбегим, Арджумандбану, Моҳчучукбеким, Туркан Оғабеким, Султан Баҳтбеким, Робия Султанбеким, Зебунисабеким, Надирабеким, Курбанжон доддоҳ.

КИРИШ

Кўхна мозийдан хабар берувчи тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, ижтимоий хаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибаларининг номлари ҳам тараннум этиб келинганини гувоҳи бўламиз. Маълумки, аёллар орасидан шавкатли хукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, зукко ижодкорлар

етишиб чиқкан. Хусусан, массагетлар хукмдори Тўмарис, қадимий Пальмиранинг хукмрони Зиновия, испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамаралар ўз даврининг етук сиёсатдон хукмдорлари бўлганлар. Гарчи бундай хукмдор, олима, шоира ва донишманд аёллар Ғарбда бармоқ билан саналса-да, Шарқ мамлакатларида уларни кўплаб учратиш мумкин.

Ўрта асрлар Марказий Осиё давлатчилик сахифаларида аёлларнинг сиёсатдаги ўрнига доир дастлабки маълумотлар тарихчи Абу Бақр Мухаммад Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” номли асарида учрайди. Хусусан, асарнинг 3-қисмида Бухорога подишоҳ бўлган хотун ҳақида гап боради. Муаллифнинг ёзишича, бу хотун Бидун Бухорхудод ўлдирилганидан кейин (680 й.) Бухоро таҳтига ўтириб, 680-695 йилларда хукмронлик қилган. Ана шу подишоҳ аёлнинг юргизган сиёсий ҳаёт тарзини таърифлар экан, Наршахий қуидагиларни қайд этади:”Унинг даврида араблар Бухорога кела бошладилар; ҳар гал келганларида хотин улар билан сулҳ тузар ва мол берар эди. Айтишларича, унинг даврида ундан кўра донороқ биронта ҳам киши бўлмаган; у донолик билан хукмронлик қилар ва халқ унга итоатда эди. Унинг одати шундай эдики, у ҳар куни отга миниб, Бухоро ҳисори дарвозасидан ташқари чиқар ва «Алаффурушлар дарвозаси» деб аталган Регистон дарвозасига келиб таҳтга ўтирас, унинг олдида эса ғуломлар, хожасаролар, яъни бичилган қуллар ва улуғ кишилар туар эдилар. У қишлоқ аҳолиси учун шундай қоида ўрнатган эдики, ҳар куни деҳқонлар ва маликзодалардан икки юз нафар йигит заррин камар боғлаб, қиличларини осиб хизматга ҳозир бўлиб, узоқроқда туришар, хотин ташқарига чиққач, ҳаммалари уни олқишлишар ва икки сафга тизилишар эди; хотин эса подшоҳлик ишлари билан машғул бўлар, яхшиликка даъват қилиб, ёмонликдан қайтарар, истаган кишисига сарпо кийгизиб, истаган кишисига жазо берар эди”. [1]

Тарихчи-шарқшунос олим Шамсиддин Камолиддин томонидан келтирилган ушбу маълумотлар мазкур даврга оид тасаввурларимизни янада кенгайтиради. Унинг ёзишича:”VI-VII асрларда Туркистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шош, Фарғона, Панжикент, Сағаниён ва бошқа вилоятларида зарб этилган мис тангаларда подшоҳнинг сурати билан бирга маликанинг сурати акс эттирилган. Шуниси диққатга сазоворки, бу типдаги, яъни подшоҳлар ва маликалар сурати туширилган тангалар VI-VII асрларда факат Туркистон ва Византияда муомалада бўлган. Бу эса Византия империясида маликаларнинг тутган ўрни қандай юқори бўлса, Туркистонда ҳам худди шундай бўлганлигидан гувоҳлик беради”. [2]

Айниқса, Темур ва темурийлар даврида яшаб, у ёки бу тарзда сиёсий фаолият юритган аёлар түғрисидаги маълумотлар эса ғоят диққатга сазовордир. Амир Темурнинг рафиқаси – Сароймулхоним (1341-1408, Бибихоним), Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзонинг (1377-1447) рафиқаси – Гавҳаршодбегим (1379-1457), Умар Шайх Мирзонинг (1456-1404) тўнгич қизи – Хонзодабегим (1477-1544), Захриддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг (1483-1530) қизи Гулбаданбегим (1523-1603), Жаҳонгир Шоҳнинг (1569-1627) хотини – Нуржонбеким (1577-1645), Шоҳ Жаҳоннинг қизи – Жаҳон Оробегим (1614-1681) ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу ўринда мазкур аёллар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтсак, бу фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Амир Темурнинг суюкли хотини *Сароймулхоним* номи тилга олинганда кўз ўнгимизда, давлат ва жамият ишларида арбоблик даражасида юксалган, ҳар қандай эркак сиёсатчи ҳавас қиласа арзигудек доно ва тадбиркор аёл намоён бўлади. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулхоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сароймулхоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сарой- мулхонимга ошкора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган.

1404 йили Самарқандда бўлиб ўтган тадбирлардан бирида Сарой Мулхонимни кузатиш имкониятига эга бўлган испаниялик элчи Руи Gonçalves de Clavicho уни шундай таърифлайди: “Сароймулхонимни тахминан уч юз нафар аёл кузатиб келарди. Сароймулхоним Амир Темур ҳузурига кириб келади ва хукмдор ёнидан бир оз пастроқдаги тахтдан жой олади”. [3] Демак, Сароймулхоним Амир Темур ҳарамининг бош бекаси, саройдаги катта нуфузга эга шахс бўлган. У ҳақида сўз кетганда, оммабоп адабиётда унинг меъморчилик, ободончилик соҳасидаги фаолиятига урғу бериш одат тусига кирган. Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур давлатимизни бошқарган давр нафақат бизнинг ҳалқимиз, балки Шарқ мамлакатлари тарихида ҳам кўплаб бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилгани билан ажралиб туради.

Мазкур жараёнда Сароймулхонимнинг ҳам ҳиссаси бўлган. Чунончи, Самарқандда унинг саъӣ-ҳаракатлари билан олий даражадаги бино – мадраси қурилган. [4] Сароймулхонимнинг мавқеи унинг фақатгина Амир Темурнинг хотини, давлатнинг бош малакаси бўлганлиги билангина белгиланмаган. Эрининг ўлимидан сўнг юзага келган мураккаб вазиятда қандай иш тутиш

борасида амир Шайх Нуриддин ва бошқа амирлар кенгаш қилганлари маълум. Хориж давлатлар вакиллари билан ҳам бемалол мулоқатда бўла олиш қобилиятини ва ҳуқуқини ўз мисолида синааб кўрган испаниялик элчи Клавихо ёзишича, унинг май ичмаслигини эшитган Сароймулхоним элчини ҳузурига чакириб, узоқ вақт ушбу масалада у билан баҳс юритган экан. [5] Демак, Амир Темур давлатида бу каби ҳуқуқ манбаларининг мавжудлиги, уларнинг ҳаракати, бажарилиши ва риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратнинг бўлиши, шубҳасиз, қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Шу ўринда мазуқр аёллар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтсак, бу фойдадан ҳоли бўлмаса керак,

Гавҳаршодбегим Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг суюкли катта хотини бўлиб, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавҳаршодбегим юксак дид-фаросатли, оқила, тадбиркор, сухандон, бир сўзли – қатъиятли, ҳусн бобида ҳам беназир аёл бўлган. Табиатан диндор Шоҳруҳ Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўқтам ва тадбиркор хотини Гавҳаршодбегим бошқарарди. Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг, секин-аста салтанат ишларини ўз қўлига олди. Зотан, Шоҳруҳ Мирzonинг ўзи ҳам хотини Гавҳаршодбегимнинг донолигига тан берар, салтанатни бошқаришда оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боис, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига ҳавола қилинган. Вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшинга саркарда белгилаш, ҳатто кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг ион-ихтиёрида бўлган.

Хусусан, 1440 йил 6 майда машҳур Ҳирот тарихчиси (кейинчалик сарой тарихчиси) Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад Ҳавофий (1375–1442) малика Гавҳаршодбегимнинг ғазабига учраб, икки маротаба қисқа муддатли қамоққа ҳукм қилинади. [6] Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳаршодбегим мамлакат равнақи йўлида тинмай ғамхўрлик қиласи. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлиб, Ҳиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳномолик қиласи. Хусусан, Ҳиротда иккита катта мадраса «Дорушшифо» номли касалхона, «Дорулҳадис» номли хонақоҳ, кутубхона ва мақбара қурдирган. Айни вақтда, хусусий мулкдор, давлатманд кишиларга хайрия тариқасида қурилишлар бунёд этилишига ижозат берилиган ва рағбатлантириб турилган.

Хонзодабегим Умар Шайх Мирzonинг (1456 –1494) қизи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирzonинг опаси. У 1478 йилда Андижонда туғилган. Унинг онаси – Қутлуғ Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг қизи эди. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Хонзодабегим дид-фаросатли, ўткир

зехнли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Хонзода бегим Бобур Мирзо ва унинг ўғли Ҳумоюншоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

Гулбаданбегим Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг Дилдор бегим исмли хотинидан туғилган учинчи қизи бўлиб, ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан бўлган.

У жияни Жалолиддин Ақбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз»,— деган ишорасига мувофиқ, «Ҳумоюннома» номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. «Ҳумоюннома» Бобур подшоҳ билан Ҳумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг муҳтасар тарихи бўлиб, мантиқан «Бобурнома»нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, «Бобурнома» асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиши сабаблари мукаммал очиб берилади. [7] Гулбаданбегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшоҳ хонадонининг нозик хусусиятлари, оиласи шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзгор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлар ҳақида муфассал ҳикоя қиласи. Аммо, афсуски, асарнинг охирги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Нуржасонбегим Ҳинди斯顿да ҳукмронлик қилган Бобурий шаҳзодалардан учинчиси – Жаҳонгиршоҳ (Салим, 1569 – 1627)нинг иккинчи хотинидир. Тарихий манбаларнинг берган маълумотига кўра, Нуржаҳон- бегимнинг ҳақиқий исми Мехринисо бўлиб, асли келиб чиқиши Эрондан бўлган. Мехринисо ўз гўзаллиги, зийраклиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли фақат Жаҳонгиршоҳни эмас, балки сарой аҳлини ҳам ўзига ром қиласи. Эндиликда уни Мехринисо эмас, Нурмаҳал (Саройнинг нури) деб, кейинчалик эса жаҳоннинг нури, яъни Нуржаҳон деб атайдилар. Нуржаҳон- бегим Жаҳонгиршоҳ салтанатида доно маслаҳатчи, нозиктаъб шоира, бир неча хил хуш таъм, лазиз таомлару хона безакларини яратади. Манбаларда қайд этилишича, Нуржаҳонбегим кейинроқ давлат ишларини Жаҳонгиршоҳ номидан бошқарган. Подшоҳ фармонларига унинг ҳам имзоси қўйилган, тангаларда ҳам Нуржаҳон номи зикр қилинган. Етим қизларнинг тўйини ўтказиб берган. Отаси Мирзо Фиёснинг бош вазир, акаси Осиғоннинг саройдаги йирик мансабни эгаллашига ёрдам кшрсатган. Жаҳонгиршоҳ вафотидан сўнг тахтни куёви Шахриёрга олиб беришга ҳаракат қиласи. Шоҳжаҳон тахтни эгаллаганидан сўнг, Лохурда Жаҳонгиршоҳ мақбарасини ва Аграда отасига атаб Эътимодуд-Давла мақбараларини қурдирган. [8]

Тарихий манбаларнинг берган хабарига кўра, Жаҳонгиршоҳ суюкли хотини Нуржаҳонбегим шарафига «Нури Жаҳонон» деб аталган ўн икки граммли олтин танга зарб эттирган.

Аржумандбону тахминан 1594 йилда Машҳадда туғилган. У асли эронлик бўлиб, бобоси ва ота-онаси камбағаллик юзасидан Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбаршоҳ мулозиматига хизматга киради. 1611 йилда Аржумандбонунинг аммаси Нуржаҳон (Мехринисо) Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, Аржуманд бонунинг бобоси Эътимод-уд Давлат бош вазирлик мансабига, отаси Эътиқодхон (Осафхон) эса сарой бошқарувчиси лавозимиға кўтарилади. 1613 йили 19 ёшли Аржумандбону 21 ёшли шаҳзода Хуррамга (Шоҳ Жаҳон) турмушга чиқади. Ўткир ақл-идрок ва дид-фаросат соҳибаси бўлган Аржумандбону тез кунда тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенгсиз ҳусн-латофати билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Ҳусусан, Жаҳонгиршоҳ Аржумандбонуни ниҳоятда эъзозлаган, чунки Жаҳонгиршоҳ билан шаҳзода Хуррам ораларида вужудга келган айрим келишмовчиликларни Аржумандбону ҳал қилишга киришар ва бу ишнинг уддасидан чиқарди. Табиийки, бундай эзгу хизматлари эвазига ҳар икки томоннинг илтифотига сазовор бўлади. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўтмай саройда Аржумандбону – Мумтоз Маҳал бегим (Саройнинг кўрки) дея атала бошланди. Аржумандбонуга берилган ушбу ном унга шон-шуҳрат келтириб жаҳонга машҳур қилди ва номи тарих саҳифаларига кўчди.

1628 йил февралида эри Шоҳ Жаҳон таҳтга ўтиргач, ёш малика Мумтоз Маҳалбегим салтанат ишларида унга ёрдамлашиб, режалик маслаҳатлари билан ҳукмдорни тўғри йўлга бошлади. Саройда у маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида эди. Мумтоз Маҳалбегим яхши кунларда ҳам, оғир дамларда ҳам, ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ёр, содик ҳамроҳ ва жафокаш ҳамдард бўлди. У қисқа умри давомида 14 нафар фарзанд кўрди. Мумтоз Маҳалбегим ўлим олдидан ўз болалари билан видолашаркан, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга ғамхўрлик қилиб туришни ўзининг катта қизи – Жаҳон Оробегим зиммасига юклайди. Шоҳ Жаҳон севикли рафиқаси Мумтоз Маҳалбегимнинг васиятларига тўла амал қиласиди Зотан, у кейинги 36 йиллик умри давомида уйланмай ўтади. Мунис ва вафодор рафиқасининг номини агадийлаштириш мақсадида, унга атаб ялтироқ оқ мармардан ҳашаматли мақбара қурдиради.

Агра шаҳридаги улкан мақбаранинг қурилишига йигирма минг мутахассис уста ва ишчилар жалб қилиниб, 18 йилда куриб битказилди. Бу улуғвор обида — «севги ва вафо» қасрининг қурилишига 40 миллион рупия

маблағ сарфланган. Мақбара қуриб битказилгач, марҳума Мумтоз Маҳалбегимнинг хокини кўчириб келтириб дафн этишди. Ушбу улуғвор ҳашаматли мақбарани Мумтоз Маҳалбегим бошига кийдирилган тож рамзида «Тож Маҳал» деб атадилар. [9]

Жаҳон Оробегим (1614 й.) Шоҳ Жаҳоннинг катта қизи. Шоҳ Жаҳоннинг таҳтга ўтириш маросимида Жаҳон Оробегим учун отаси унга 40 минг дона ёқут жавоҳир инъом этиб, яна йилига 600 минг рупия микдорида нафақа белгилаган. Жаҳон Оробегимнинг жисми исмига монанд бўлиб, ҳусн-латофатда, ақл-идрокда ва илму одобли ва гўзал ғазаллар битарди. Шоҳ Жаҳон бу қизига алоҳида меҳр ила қарапди. У Мумтозбегимдан қолган барча бойлик ва мулкларни шу қизига топширади. Оқила Жаҳон Оробегим оиласида ака-укалар ўртасидаги келишмовчилик, ҳатто отаси билан укаси Аврангзеб ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик билан бартараф қилишга моҳир эди. Унинг саройда обрў-эътибори орта бориб, аста-секин онаси Мумтоз Маҳалбегимнинг мавқеини эгаллай бошлади. Зотан, Жаҳон Оробегим салтанат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёsat, дипломатия масалаларида отасига фойдали маслаҳатлари билан ёрдамлашар эди. Унда бобокалони Бобуршохга ўхшаш меъморчилик ва ободончилик ишларига қизиқиш ва ҳавас катта эди. Бинобарин, Аграда қурилган жомеъ масжидининг тархи (лойиха) Жаҳон Оробегимнинг қаламига мансубdir. У Дехли, Сурат, Амбола, Беҳал ва Панипат шаҳарларида карvonсаройлар қурдирди, Лоҳурда эса оромбахш катта боғ бунёд эттириди.

Жаҳон Оробегим мамлакатдаги ғариб-ғурабо ва факирларга моддий ёрдам уюштириб, камбағаллар учун уй-жойлар қурдирди. Шунингдек, Кашмирда «Пари Маҳал» (Парилар саройи) номли ажойиб боғ барпо қилди, Шаҳдхонободда Алимарлонхон аригини қаздириб, нақшкор ҳовуз қурдирди. Жаҳон Оробегим «Рисолайи соҳибия» (Дўстлик ҳақида рисола) асарининг муаллифидир¹. Жаҳон Оробегим гарчи шоҳ қизи бўлса-да, табиатан камтар ва олий ҳимматлилиги туфайли бойлик ҳамда шон-шуҳратларга қизиқмаган.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, Темурий маликаларнинг давлат бошқарув ишларида маслаҳатчи, сиёsat, адабиёт ва ижтимоий соҳаларда эркин фаолият юритиб, тўғри қарорлар қабул қилганликлари ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Мазкур даврда нафарқат Амир Темур давлатидаги аёллар, балки, мамлакатнинг бошқа аёллари барча соҳаларда фаол бўлишган. Жумладан, Амир Темур сипоҳлрни яроғ-аслаҳалар, маош ва бошқа зарур нарсала билан

таъминлага алоҳида эътибор берди. Жангчиларнинг хизматларини қадрлади ва ўзини кўрсатганларга «Баҳодур» унвонин таъсис этди. Ҳатто, ҳарбий хизматга бир неча минг аёлларни ҳам жалб қилиб, уларга уруш техникасидан сабоқлар берди. Бу ҳақда жонли гувоҳ бўлган Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Темур лашкарлари орасида аёллар ҳам бўлиб, улар душман билан бўлган тўқнашувларда матонат кўрсатар эдилар. Найза санчишда, қилич ўйнатишда ва камондан мўлжалга олишда моҳир эркаклардан кўра устароқ эдилар». Кўриниб турибдики, Ватанга содиқлик ва жанговарлик ғоялари аёлларда ҳам юксак даражада бўлган.

Моҳчучукбегим. У Бобурнинг ўғилларидан бири Комрон Мирзонинг рафиқаси бўлган. Комрон мирзо маликаси Моҳчучукбегимни севиб, хурмат қилиб, вафо кўрсатиб, ғоят эъзозлаган. Малика ҳам отанинг уйидаги роҳату фароғат, тинч-тотув ҳаётни тарқ этиб, отасининг буйруғи ва илтимосларига бўйсунмай, кўзи ожиз ва шоҳликдан тушган эрига эргашиб, сўнгги дамгача унинг ҳамдами бўлган.

Моҳчучукбегим эри Комрон мирзодан шунчалик меҳр-садоқат, вафо-садоқат, айниқса, севгини кўрган эканки, эрга содиқликни ота-онанинг меҳридан устун қўйиб, йўл азоби ва бундан кейинги оддий фақирона ҳаётни, шоҳона яшашдан афзал билган. Умрининг сўнгигача Комрон мирzonинг ёнида қолган. Ҳамда турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг фироқига чидай олмай вафот этган. Буларнинг барчаси Комрон Мирзо севгисининг улуғворлиги ҳамда бунга жавобан Моҳчучукбегимнинг садоқати рамзи бўлганлиги шубҳасизdir. “Тарихи Синд” деган асарда булар ҳақида янада қимматли маълумотлар учрайди. [10]

Қутлуғ Туркон оғо (1331–1383). Амир Темурнинг опаси. Амир Довудбек дуғлатнинг хотини. Маълумки, соҳибқирон 1360 йиларнинг бошларида ғанимлари таъқиби туфайли Самарқандга келиб, Қутлуғ Туркон Оғо уида 48 кун турган. 1375 йил Соҳибқирон Ўзганда Дилшод оғога уйланган чоғда Қутлуғ Туркон Оғо нўёнлар ва амирлар билан тўйга етиб келган. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, 1383 йил Дилшод оғо вафотидан бир неча кун ўтгач, «ўзининг хайрли ишлари, инъому эҳсони билан замонаси хотинларидан ўзган, ўз холис молларидан мадрасалар, хонақоҳлар қурдирган, ҳар нав эзгуликлари билан жаҳон ҳалқига фойда етказган улуғ хотун — Амир Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ Туркон оғо вафот этган. Бундан соҳибқирон бундан қаттиқ изтиробга тушган. Бир неча муддат мамлакат ва давлат ишлари билан шуғулланмай қўйган. [11]

Қутлугъ Туркон Оғо ниҳоятда доно ва заковатли аёл бўлган. Амир Темур барпо этган кўп бинолар унинг маслаҳати билан ишланган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича эса, Қутлугъ Туркон оғо юксак эътибор билан Қусам ибн Аббоснинг мазорига яқин жойга дағн қилинган..

Султон Баҳтбегим. Амир Темурнинг қизи. У соҳибқироннинг суюкли хотини Улжой Туркон Оғодан туғилган. Улжой Туркон Оғо Чифатой хонларидан Амир Қазағоннинг набираси, Балх амири Амир Ҳусайннинг сингилиси бўлган. “Зафар йўли” китобида бу ҳақда шундай дейилади: “Бир куни мен улусдагиларнинг маслаҳати билан Амир Қазағоннинг мажлисига бордим, чунки отам қариб, улус билан муомала қилишга ожиз эди. Унинг ўрнига Амир Қазағон билан сұхбат қилдим, сўзларим таъбига мос тушди ва мен билан узоқ гаплашди, сўнг, тўсатдан менгаўз набирасини никоҳлаб берди”. Тарихда Амир Темур Қозоғон вафот этганида (1357-58) унинг жанозасига боргани ва ўшанда Туркон Оғони кўриб, унга кўнгил қўйгани ҳақида маълумотлар ҳам учрайди.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн мўғулларга қарши биргалашиб курашган йилларда Улжой Туркон Оғо ҳамиша эри билан бирга бўлган ва машаққатли оғир кунларни бошдан ўтказган. Амир Ҳусайн феълидаги худбинлик, давлатга, бойликка ўчлик қутқуси баланд келганида ўзининг қимматбаҳо зебзийнатларини унга инъом қилиб юборади. Хуллас, онасидаги мардлик эркакларга хос шижаот соҳиби бўлган Султон Баҳтбегимда бўй кўрсатган. У отасига хиёнат қилган эри Муҳаммад Мирак вафотидан кейин (у Шоҳруҳ Мирзо томонидан 1388 йили қатл эттирилган), Амир Довудбек Дўғлатнинг ўғли Сулаймоншоҳга узатилган. Султон Баҳт бегим эри Сулаймоншоҳ қарашларига содик қолган. Сулаймоншоҳ Халил Султонга садоқат билан хизмат қилгани каби, Султон Баҳт бегим ҳам унинг йўлидан бориб, Мироншоҳ Мирзо ёнида бўлган. У мағрур ва айни вақтда камторона ҳаётни хуш кўрган. Ҳолбуки, кимсан соҳибқироннинг қизи ўз ҳомийлари Мироншоҳ ва Сулаймоншоҳлар вафотидан кейин Шоҳруҳ хузурига бориб, шоҳона ҳаёт кечирса ҳам бўларди. Аммо у салтанат ичкарисида бўлишни хоҳламайди. У 66-67 йил умр кўрган, Эроннинг Нишопур шаҳрида яшаган ва шу ерда вафот этган. Ибн Арабшоҳ бу ҳақда:“Нишопурда улуғвор хотун, Амир Соҳибқирон Амир Темур қизи Султон Баҳт бека вафот этди”, деб ёзади. Худди шундай маълумот Фасих Ҳавофий китобининг 1429-1430-йиллар воқеалари акс этган қисмида ҳам келтирилган. [12]

Робия Султон Бегим, (тахминан 1435-1485) Улуғбекнинг Абулхайрхонга турмушга чиққан қизи. У Абулхайрдан учта ўғли кўрган: Кўчкунжи Хон,

Суюнчхўжа Хон ва Оқ-Бурун Султон. Робия Султон Бегим халқ томонидан ҳурматга сазовор бўлган ва сиёсатга таъсир кўрсатган. Чунончи, у жияни Муҳаммад Жукига Самарқанд учун курашда Абу Сайдга қарши ёрдам сўраганда унга ёрдам берган. Америкалик олим Оллворс таъкидлаганидек, Робия Султон бегим «Шайбонийлар ва Темурийларни қариндошлиқ алоқалари билан боғлади ва икки рақиб гуруҳ ўртасида сиёсий иттифоқ тузди».

Робия Султон Бегим 1485 йилда вафот этган. Унинг қабр тошида "яхши ишлар билан танилган ва олийжаноблиги билан ажralиб туради", деб ёзилган. «Абулхайрхон тарихи» асарида у «шахина, буюк она, бешик ва энг юқори парда, ўз даврининг Билқиси» деб аталган (яъни, Сава маликасига нисбат берилган). Унинг шарафига мақбара қурилган бўлиб, у 19-аср охиригача сақланиб қолган ва 1980 йилда қайта қурилган. [13]

Зебунисо Бегим. Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (тахтбезаги) Оламгирнинг қизи, 1639 йил Дехлида туғилган. Зебунисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям Бону қўлида савод чиқарган. Отаси Зебунисонинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулло Жовонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебунисо бегим забардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир хаттот бўлиб етишади. Арабфорс тилларининг сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)ини, фикҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. У настаълиқ, нақш ва шикаста хатларини зўр маҳорат ила битган. Куръонни бир неча маротаба ҳусниҳатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган. Зебунисо бегим араб ва форс тиллари сарфу наҳвини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод қилди.

Зебунисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. «Олами Ислом» тазкирасида «Зебунисо бегим отаси ҳукмдорлик билан қозонолмаган шуҳратни илм ва одоб билан қозонган», деб эътироф этилган. Зебунисо бегим бир қатор шогирдпешаларни илм-маърифат, одоб ва ғазалиёт бобида тарбиялаб, камолотга етказган. Шарқнинг машҳур шоири Мирзо Абдуқодир Бедил ўз қизини Зебунисо бегим тарбиясига топширган. Зукко олима, ҳассос шоира бўлмиш гўзаллар гўзали Зебунисо бегим отаси шоҳ Аврангзеб Оламгирнинг яқин маслаҳатчиси ҳам эди. [14]

Зебунисо бегимнинг ҳаёт йўли афсонавий воқеаларга бой. Унинг насли ота тарафидан ҳам, она тарафидан ҳам Бобур подшоҳга бориб туташади. Демак, шоҳ қизи, боз устига ақл ва идрокда тенгсиз, юксак шеърий истеъдод соҳибаси,

назм мулкининг маликаси, маликалар ичра гўзали... Зебуннисо бегим ҳусну латофат ва малоҳатда беназир, фазилатда бекиёс бўлса-да, ўзининг 63 йиллик умри давомида ўзига муносиб, ҳамдард ёр топа олмади. У 1702 йилда 63 ёшида Дехлида вафот этди. Уни Дехлидаги «Зарзарий» қабристонига дафн қилишган. [15]

Нодирабегим. Нодирабегим тахаллуси билан ижод килган Моҳларойим 1792 йилда Андижон ҳокими Раҳмонқулий оиласида таваллуд топади. Унинг онаси Ойшабегим оилавий силсиласига кўра Заҳириддин Муҳаммад Бобур наслига мансуб маърифатли аёл бўлган. Моҳларойимнинг таълим тарбияси айнан шу муҳитда камолотга етди ва у халқимизнинг тарихи, маданияти, илм ва адабиёти равнақидан жуда яхши хабардор бўлиб вояга ети. Шеъриятга жуда эрта ҳавас қўйган Моҳларойим Навоий, Жомий ва Бедил каби алламоларнинг асарларини ўқиб, улардан беҳад баҳраманд бўлган.

Нодирабегим ўз вақтида сиёсатга аралashiб, нотавон ўғил Муҳаммадалихонни инсофга, адолатга чақиради, давлат ва раъиятни бошқаришда унга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қиласи. Гарчи шоиранинг ҳаёти фожиёна якун топган бўлса-да, шеърлари куйга солиниб, ижро этиб келинмоқда, шунингдек, шоиранинг адабий мероси ўзининг ғоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеъриятнинг гўзал намуналаридан саналади.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, Темурий маликаларнинг давлат бошқарув ишларида маслаҳатчи, сиёsat, адабиёт ва ижтимоий соҳаларда эркин фаолият юритиб, тўғри қарорлар қабул қилганликлари ҳакида хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, мазкур даврда нафақат Амир Темур давлатидаги аёллар, балки мамлакатнинг бошқа аёллари ҳам кўплаб соҳаларда фаол бўлишган. Жумладан, Амир Темур сипоҳлрни яроғ-аслаҳалар, маош ва бошқа зарур нарсала билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Жангчиларнинг хизматларини қадрлайди ва ўзини кўрсатгандарга «Баҳодур» унвонин таъсис этади. Ҳатто, ҳарбий хизматга бир неча минг аёлларни ҳам жалб қилиб, уларга уруш техникасидан сабоқлар беради. Буларга жонли гувоҳ бўлган Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: “Темур лашкарлари орасида аёллар ҳам бўлиб, улар душман билан бўлган тўқнашувларда матонат кўрсатар эдилар. Найза санчишда, қилич ўйнатишда ва камондан мўлжалга олишда моҳир эркаклардан кўра устароқ эдилар”. [16]

Темурийлар сулоласига мансуб бўлмаган, аммо Туркистон сиёсий ҳаётида ўзига хос ўринга молик аёллардан яна бири – бу Қурбонжон доддоҳдир. Қурбонжон Маматқизи, Олой маликаси номи билан шухрат қозонган

Курбонжон додхоҳ 1811 йили Ўш яқинидаги Моди қишлоғида таваллуд топган. Кўқон хонлиги вазири Олимбек додхоҳ Ҳасанбой ўғли (1800-1863)нинг рафиқаси бўлган. Олимбек додхоҳ ҳокимият учун курашларда сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач (1863), Курбонжон додхоҳ эри ўрнига бир муддат Андижон ҳокими бўлган. Сўнгра фарзандларини олиб, ўз овулига жўнаб кетган. Бухоро амири Музafferхон жасур ва довюраклиги боис Курбонжонга “додхоҳ” унвонини берган. Амир ёрдамида Кўқон тахтини қайта эгаллаган Худоёрхон Курбонжон додхоҳни Олай воҳасининг ҳокими қилиб тайинлади (1865). Унинг катта ўғли Абдуллабек эса Ўшда ҳокимлик қилади. Маълумотларга қараганда, Курбонжон додхоҳ билан Қашқардаги Еттишаҳар уйғур давлати ҳукмдори Ёкуббек ўртасида ҳам яхши муносабатлар ўрнатилган.

Кўқонда хон зулми ва чор Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилиган Пўлатхон қўзғолонида Курбонжон додхоҳ ва унинг фарзандлари - Абдуллабек, Махмудбек, Ҳасанбек, Ботирбек ва Қамчибек ҳам қатнашган. Пўлатхон қўзғолони бостирилгандан кейин Олай воҳасидаги аҳоли Курбонжон додхоҳ бошлилигига курашни давом эттиради. Қўзғолон бостирилгач (1876), Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан Курбонжон додхоҳ авғ қилинади. Олай воҳасидаги ички бошқарувда Курбонжон додхоҳ ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Курбонжон додхоҳ ҳақида Фарғона водийси аҳолиси ўртасида кўплаб қўшиқлар ва ривоятлар тўқилган. Моди қишлоғида уй-музейи мавжуд. Фарғона ва Ўшда кўчалар, мактаблар унинг номига қўйилган [17].

Кўриниб турибдики, Ватанга содиқлик ва жанговарлик ғоялари, бадиий ижодда мукаммаллик, ижтимоий ҳаётда фаоллик, сиёсатда зукколик Шарқ аёлларида ҳам юксак даражада бўлган ва бу, ўйлаймизки, таҳсинга ҳамда янада чуқур илмий таҳлилга арзигулик мавзудир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. - [https://studylib.ru/doc/6272081/abu-bakr-narshaxiy.-buxoro-tarixi--1-\).](https://studylib.ru/doc/6272081/abu-bakr-narshaxiy.-buxoro-tarixi--1-)
2. Шамсиддик Камолиддин. Хотун. Қадимий туркий маликалар. – Мозийдан садо”, 4(24), 2004, 12-бет.
3. Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. – Т., “Фан” нашриёти. 2002., 12-13-бетлар.
4. Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. - Т., “Фан” нашриёти. 2002, 29-бет.
5. Муҳамаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати (Тарихий очерк). – Т., 1994, 34-бет.

6. Қаранг. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Т., 1992, 6-б.; Руи Гонселос де-Кливиҳо. Дневник путешествия ко двору Темура в Самарканд в 1403-1406 годах. - Подлинный текст с переводом и примечаниями И.И.Срезневского. СПб, 1881. С.238; Якубовский А.Ю. Тимур (опыт краткой характеристики) Вопросы истории. 1946. №8-9. С. 53.
7. Муҳамаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати (Тарихий очерк). Т., 1994. 45-46-бетлар; Файзиев Т. Захриддин Муҳаммад Бобур унинг авлодлари. Т., 1996, 12-бет.
8. (Бобур Энциклопедияси. - Т., “Шарқ” нашриёти, 2014, 401-402-бетлар).
9. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. - Т., 1995, 291-293-бетлар.
10. Бобур Энциклопедияси. - Т., “Шарқ” нашриёти, 2014, 347-бетлар.
11. Низомиддин Шомий. Зафарнома. - Т., “Ўзбекистон”, 2014, 123-бет.
12. <https://tavorix.islamonline.uz/site/item/1241>
13. <https://tavorix.islamonline.uz/site/item/1236>
14. Бобур Энциклопедияси.-Т., “Шарқ” нашриёти, 2014, 256-257-бетлар.
15. <https://tavorix.islamonline.uz/site/item/569>
16. Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I-II китоблар. - Т., “Фан” нашриёти, 2019 й.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т., 2000, 175-178-бетлар.